

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

### Парламент хабарлари

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.**

қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинади.

Сенат ўзининг қарори билан амнистия ҳақидаги қарорни қўлланиш тартибини белгилади. Ушбу қарорда амнистия бўйича озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб қўйилмоқда. Шу билан бирга амнистия актини қўлланиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, шунингдек, очиқ-ошкораликни таъминлашда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва

миз электр энергетикасининг юқори даражада хавфсиз бўлишини, тармоқда хизмат кўрсатишнинг ишончилиги ва сифатини оширишга қаратилган.

Сенаторлар «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни ҳам кўриб чиқдилар. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни амалга оширадиган ташкилотларнинг шубҳали молиявий операцияларини ўз вақтида аниқлаш механизмини такомиллаштиришга, жиноий йўл билан топишган пулларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимига жалб этилган ташкилотларда ички идоровий назоратнинг самарадорлигини кучайтиришга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.


Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 мартда қабул қилинган Фармонини ижро этиш юзасидан махсулот тақсимотига оид битим шартлари асосида ер қабридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Киритилган ўзгартиш ва қўшимча ер қабридан фойдаланганлик учун солиқни ва акциз солиғи солинадиган углеводород хом ашёси учун акциз солиғини тўлаш бўйича махсулот тақсимотига оид битим иштирокчилари бўлмиш чет элик инвесторлар учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун ҳам тенг шароитлар яратишга йўналтирилган.

Сўнгра сенаторлар «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни кўриб чиқдилар. Қонун истеъмолчиларни, ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари кириб келишидан ҳимоялашнинг янада самарали ҳуқуқий базасини яратиш имконини бериши, дори воситаларини тайёрловчи корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини Ўзбекистон ҳудудида дори воситаларининг фэйриқонуний нухалари айланишидан ҳимоя қилиши кўрсатиб ўтилди.

Мазкур Қонунни ривожлантириш юзасидан сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳам маъқулланди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республи-

касининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Қонун билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилайди.

Мажлисида моддий ва номоддий маданий мерос объектларини унификация қилиш, уларни тегиш-лича муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш




ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун маъқулланди.

Юқори палата аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонунни кўриб чиқдилар. Қонун фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, адвокатура институтининг мақомини ва ролин ривожлантириш ҳамда ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатида ушбу тузатишларнинг киритилиши вакиллик институтини турли тузилмалар, юридик маълумотга ҳамда юридик хизматлар кўрсатиш учун тегишли лицензияга эга бўлмаган шахслар билан алмаштириш, фуқароларнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказишга йўл қўядиган шароитни бартараф этиш имконини берадиган ҳуқуқий базани яратади.

Сенаторлар «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш асносида у амалдаги ҳуқуқий нормаларни, идоровий қоидалар ва халқаро стандартларнинг қоидаларини мунтазам ҳолга келтирилганлигини кўрсатиб ўтилди. Қонун Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини аниқлаб беради.

Сенат аъзолари томонидан кун тартибига киритилган бир қатор бошқа қонунлар ҳам кўриб чиқилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Матбуот хизмати.**



1991-2009

### МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН!

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламентнинг юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мазкур масалани муҳокама қилиш асносида таъкидлаб ўтилганидек, амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги арафасида қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти бўлган давлатимиз инсонпарварлигининг ёрқин кўринишидир. Амнистия акти ҳукм қилинган аёлларни, жиноят содир этган вақтида 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшга тўлган эркакларни, шунингдек, чет эл фуқароларини жазодан озод қилишга қаратилган. Амнистия акти асосида ёшидан қатъи назар, аҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топишган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинадилар.

Бундан ташқари озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно), шунингдек, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум

шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий кўникмасига ва ҳимоясига йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга ошириш, уларнинг тўла ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилиши, ёлғизлар, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш назарда тутилди.

Шундан сўнгра парламент юқори палатасининг аъзолари ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга, шунингдек, гуманитар соҳани изчил ривожлантиришга, ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам бор.

Қонун билан эркин иқтисодий зонанинг бир тури сифатида индустриал-иқтисодий зона тушунчаси киритилмоқда, эркин иқтисодий зона ҳудудида амал қилувчи алоҳида ҳуқуқий, солиқ, боғжона ҳамда валюта режими белгиланмоқда. Бу режим эркин иқтисодий зона иштирокчиларига хўжалик фаолиятини амалга оширишда бериладиган имтиёзлар ва преференцияларнинг аниқ рўйхатини назарда тутди.

Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонун истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ва мамлакатини

УШБУ  
СОҒДА

1-бет  
Парламент юқори  
палатасида

2-бет  
Қонун ҳужжатларига  
қисқа шарҳлар

3-4-бетлар  
Компания ишида  
хавфсизлик

5-6-бетлар  
Янги қонун  
ҳужжатлари

\$1 = 1494,10 сўм

€1 = 2141,49

£1 = 2467,80 сўм

¥10 = 157,62 сўм

INTER  
PRESS

INTER-PRESS  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2010  
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Vita Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир  
Аргументы и Факты • Vogue • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги  
• Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

тел./факс:  
(99897)  
**119-0000**  
**155-0955**  
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## ИМТИЁЗ ТЕЖАМКОР УСКУНАГА БЕРИЛАДИ

Президентнинг 2009 йил 19 августдаги ПҚ-1175-сон қарори билан («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) Президентнинг «2007 – 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» (2007 йил 1 июндаги ПҚ-646-сон) қарорига қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, ностандарт, тежамсиз печларни энергия тежайдиган махсус технологияларга алмаштирмаган, шунингдек солиштирма сарф-харажатларнинг белгиланган нормаларидан ортиқ ҳажмда табиий газ истеъмол қиладиган пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга табиий газнинг берилиши амалдаги улгуржи нарх бўйича амалга оширилади. Улар алмаштирилган тақдирда эса 2011 йилга қадар нархлар 2007 йил даражасида ўзгармасдан қолади. Ушбу ўзгаришлар 2010 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

## НАМАНГАН УЧУН ДАСТУР

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги 232-сон қарори билан 2009 – 2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури маъқулланди. Унда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш; ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этиш; янги лойиҳалар ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда янги корхоналар ташкил этиш; минерал хом ашё конлари базасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, истиқболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари назарда тутилган.

Вилоят саноатини истиқболли ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларига нефть-газ, автомобиль, электротехника саноати ва темир йўллар учун материаллар, хом ашё, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарнинг юқори технологияли, шу жумладан маҳаллийлаштирадиган ишлаб чиқаришларини ташкил этиш; тўқимачилик ва тикувчилик саноати корхоналарини, ипакчилик саноатини ривожлантириш киради.

## ИЛМИЙ ХОДИМЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатланти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида» 233-сон қарори билан («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари тасдиқланди. Илмий-техника дастурларини бажарувчи муассасалар ҳамда ташкилотлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 5 фоизи миқдоридида илмий ходимларни моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди. Улар маблағлари ҳисобига алоҳида ўрнатилган, илмий-техника дастурларини амалга оширишга аниқ меҳнат ва илмий ҳисса қўшган илмий ходимлар илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳузуридаги илмий кенгаш қарорларига биноан йилига 2 тадан 5 тагача базавий лавозим маошлари миқдоридида бир йўла тўланадиган мукофотлар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантирилади.

## ЭКСПОРТГА КАМИДА 70 ФОИЗИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 августдаги «2009 – 2011 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 236-сон қарори билан («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) республика минтақалари ва «Ўзбекенгилсанот» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари бўйича ноозиқ-овқат истеъмол товарларининг асосий турларини ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи асосий корхоналар бўйича модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати маъқулланди.

Лойиҳалар Ўзбекистон ҳукумати билан хорижий инвестор ўртасида тузиладиган инвестиция шартномаси асосида амалга оширилади. Импорт шартномаларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган шартлардан ташқари мажбурий шартлар ҳам белгиланди. Хорижий инвестор тикув-трикотаж ва тўқимачилик ишлаб чиқаришларнинг ишлаб чиқариш қувватини беш йил мобайнида камида 70 фоиз, калава ишлаб чиқариш қувватини камида 85 фоиз даражасида сақлаши; ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг камида 70 фоизини экспортга сотиши; янги иш ўринла-

рини ташкил этиши ва бошқа шартларга риоя этиши шарт. Инвестиция шартномаси шартлари хорижий инвестор томонидан бажарилмаган тақдирда имтиёзлар ва преференциялар берилиши натижасида бўшган маблағлар тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ундирилади.

## СЕРТИФИКАТЛАНДИГАН МАҲСУЛОТЛАР РҲИХАТИ КЕНГАЙДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 августдаги 241-сон қарори билан («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимчалар киритилди. Чунончи, энди унга казеин, альбумин, желатин, пептон, оксил моддалар, декстрин, ферментлар ва уларнинг ҳосилалари (фақат озиқ-овқат саноатида, фармацевтика маҳсулотлари ва моллар учун озуқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиганлари) ҳам киради.

## ЙЎРИҚНОМА МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 18 августда 1995-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланди.

2009 йил 28 августдан кучга кирди.

## РҲИХАТДАН ҲТКАЗИЛМАЙДИГАН БИТИМ


Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ

## Қонунчиликдаги янгиликлар

РЕКЛАМА

## МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб  
офис  
тиббиёт  
металл каркасда  
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

томонидан 2009 йил 19 августда 1919-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 2009 йил 9 мартдаги 1919-сон Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб-регистра тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритилди. Унга кўра акцияларнинг давлат пакетларини ишончли бошқаришга битим (шартнома) Давлат мулки кўмитаси ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончли бошқариш ҳуқуқини олган шахс ўртасида рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда тузилади.

2009 йил 29 августдан кучга кирди.

## ҒАЛЛА ЕТИШТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Молия вазирлиги, Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 18 августда 657-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган ғалла учун ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига (рўйхат рақами 657,

1999 йил 1 март) ўзгаришлар киритилди. Чунончи, Жамғарманинг молиявий агенти бўлиб энди «Ғаллабанк» эмас, балки «Агробанк» ОАТБ ҳисобланади.

2009 йил 28 августдан кучга кирди.

Молия вазирлиги, Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 19 августда 612-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 612, 1999 йил 28 январь) ўзгаришлар киритилди. Белгиланишича, пахта ва дон етиштириш, сотиб олиш ва қайта ишлашни молиялаштириш бўйича Жамғарманинг асосий молиявий агенти бўлиб «Агробанк» ОАТБ ҳисобланади. Ҳужжат Жамғарма маблағлари унинг молиявий агентига махсус очиладиган мақсадли ҳисобварақлар бўйича бош битим асосида ажратилишини назарда тутадиган меъёр билан тўлдирилди.

2009 йил 29 августдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 15 августдан 21 августгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 34-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 11 августдаги 232-аф-сонли буйруғига асосан «Бухоро Молия Таҳлил» масъулияти чекланган жамиятига 2008 йил 17 июнда берилган 00706-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 11 августидан тугатилди.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 12 августдаги 233-аф-сонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «АН-БАХО» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 16 майда берилган 00284-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 12 августидан тугатилди.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 13 августдаги 234-аф-сонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «КІТОВ-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 7 апрелда берилган 00238-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 13 августидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари  
М.МИРЗАЕВ.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 25 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1253,25	1 Малайзия ринггити	425,91
1 Англия фунт стерлинги	2467,80	1 Польша злотийси	522,07
1 Дания кронаси	287,88	1 СДР	2338,31
1 БАА дирҳами	406,79	1 Туркия лираси	1007,82
1 АҚШ доллари	1494,10	1 Швейцария франки	1410,86
1 Миср фунти	269,79	1 ЕВРО	2141,49
1 Исландия кронаси	11,72	10 Жанубий Корея вони	12,02
1 Канада доллари	1384,71	10 Япония иенаси	157,62
1 Хитой юани	218,75	1 Россия рубли	46,77
		1 Украина гривнаси	275,71

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	28.08.2009	1	0,8039	1	1,1539	1	0,0254
Арманистон	27.08.2009	1	376,09	1	535,74	1	11,90
Беларусь	28.08.2009	1	2832,00	1	4037,02	1	89,51
Грузия	28.08.2009	1	1,6858	1	2,4034	1	5,328
Қозоғистон	28.08.2009	1	150,77	1	214,79	1	4,77
Қирғизистон	22.08.2009	1	43,823	1	62,834	1	1,3719
Латвия	28.08.2009	1	0,493	1	0,702804	1	0,0156
Литва	28.08.2009	1	2,4218	1	3,4528	10	7,6562
Молдова	28.08.2009	1	11,2137	1	16,0317	1	0,356
Тожикистон	28.08.2009	1	4,3901	1	6,2665	10	1,4109
Ўзбекистон	25.08.2009	1	1494,10	1	2141,49	1	46,77
Украина	28.08.2009	100	798,90	100	1139,8705	10	2,5249
Эстония	27.08.2009	1	10,9828	1	15,6466	1	0,347386

Манба: www.prime-tass.ru

- УШБУ СОНДА:**
- **УСТУВОРЛИКЛАР**  
– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот **1-бет**
  - **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
– Валюталар курси **2-бет**


- **ДОЛЗАРБ МАВЗУ**  
– Хавфли иш...  
– Қонун янгиланди, текширувлар эса эскича **3-4-бетлар**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
  - «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- Ўзбекистон Республикаси Ва-

- зирлар Маҳкамасининг қарорлари:
- «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»;
  - «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».
- 5-6-бетлар**  
**7-8-бетлар**  
• top

# ХАВФЛИ ИШ...

## ИЧКИ ХАВФСИЗЛИК ВА ТИЖОРАТ РАЗВЕДКАСИ



### МИЖОЗ... ПИНХОНА ИШЛАШГА УНДАЙДИМИ?



**Олег ДАМИНОВ,**  
«Fortis-audit» аудиторлик компанияси  
бошқаруви раисининг биринчи  
ўринбосари  
(аудит, консалтинг)

Ўз услуги, фаолиятининг мақсадлари ва принциплари стратегик жиҳатдан ана шунга қаратилган бўлади. Башарти илгари, айтайлик кейинги 10-15 йил мобайнида биз учун муайян мутахассислар, хусусан собиқ бош бухгалтерлар, тафтишчилар, солиқ органларининг ходимлари, юристлар асосий актив ҳисобланган бўлса, эндиликда ўз бизнес жараёнларимизни халқаро тажрибага таяниб шакллантирмоқдамиз. Бошқача қилиб айтганда, ташкилотимизда «аудиторлар гвардияси»га мансуб мутахассисларнинг роли ҳамон юқориликда қолмоқда, аммо компания барибир ўз тараққиётида муайян бир кишига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак.

Биз компаниянинг умумий тузилмасини ҳамда ҳар бир муайян текширувларга бўлган ёндашувларни қамраб олувчи комплекс услубиятни яратдик ва уни такомиллаштириб бормоқдамиз, «тармоқ» услубияти, «савол-жавоб» ички маълумотлар базаси устида, касб нуктаи назаридан қизиқарли вазиятлар борасида, юристларнинг аудиторлик текширувларидаги иштироки дастурлари устида иш олиб бормоқдамиз. Юристлар иштирокидаги дастурлар кўпдан буён ўйлаб юрган гоём бўлиб, ташкилотимизда юридик департамент шаклида мужассам топди.

– **Ички ахборотнинг махфийлиги чиндан ҳам шу даражада муҳимми?**

– Қайсидир босқичда у чиндан ҳам долзарб эди. Лекин кейинги йилларда қатор

норматив ҳужжатлар, шу жумладан аудиторлик ташкилотларининг рейтинглардаги иштирокига оид, ахборотни бошқарувчи ва тартибга солувчилар олдида ошкор этиш билан боғлиқ норматив ҳужжатлар қабул қилиндики, бу ҳол сиздан эндиликда миждозлар тўғрисидаги, тармоқ тузилмангиз, устав сармоянгиз, шу ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар барибир эртами-кечми бозорда намоён бўлиши ва етарлича ошқора, қисман бўлса-да, ҳамма фойдалана оладиган бўлиб қолишига тайёр туришни талаб қилади. Шунга қарамай, баъзи нарсаларни (муаллифлик услубий ишланмаларини, маълумотлар базасини, иш услубининг фирмага хос хусусиятларини ва тўпланган қимматбахо тажрибани) оммалаштиришга хоҳиш йўқ...

Илгарилари бошқалардан ўрганиб, ўзлаштириб олиш жараёнларига биз безътиборроқ эдик. Компаниямиздан ниманидир ўрганиб ўзларига жорий этишга экан, демак компаниямиз тўғри йўлдан бораёпти деб ҳисоблардим, услубиятда бир қадам бўлса ҳам олдинроқда боришни муҳим деб билардим. Биздаги шартномаларни, бошқа ҳужжатларни турли ташкилотлар мунтазам равишда кўчириб олишарди, деярли бир ҳарфини ҳам ўзгартирмай фойдаланаверишарди. Аудиторлик ҳамжамияти манфаатлари нуктаи назаридан бунинг биттагина муҳим ижобий тарафи бор: аудитор хизматларининг маърифатли бозорига аста-секин худди шу йўл билан ўтилади. Ўзгаларнинг бирмунча ижобийроқ тажрибасини қисман ўзлаштириш, улардан андоза кўчириш орқали бўлса ҳам бозорда аудиторлик хулосаларини сотиш билан шуғулланиб, касб обрў-эътиборига каттагина зиён етказиб, юлдуз кўрмай жон берадиган аудиторлик ташкилотлари шу йўл билан барҳам толарди. Дарвоқе, бундай сохта аудиторлар асосан махфийлик ре-

жимини бузувчи саналади, турли тузилмалар ахборотининг «қаймоғи»ни рухсатсиз олиб, корхоналарга озмунча муаммо ва ташвиш келтирмайди.

– **Компаниянги сизнинг базангизда юзага келиши эҳтимоли бўлган текинтомоқ, тайёр ошга баковул қабилидаги компаниялардан ўзини қай йўсинда ҳимоя этади?**

– Текинтомоқ компаниялар бизникидан бўлак бозорларда ҳам учраб турувчи одадий ҳолдир. Жаҳоннинг исталган мамлакатда бирон компанияда муайян даражага эришган ва айрим объектлар – корхоналар ёки йўналишлар тариқасида бир қанча лойиҳаларда бошловчилик вазифасини ўтаётган мутахассис компаниядан ишдан кетгудек бўлса, компания чинакам зарар кўриши билан боғлиқ потенциал хавф ҳаммиша таҳдид солиб туради. Ҳозирча бизда бундай бўлгани йўқ. Аксинча, ўзим бир жойда раҳбарлик қилиб турганимда иш берувчи акциядорлар билан бир гал худди шу йўсинда хайр-маъзур қилганман, чунки компанияни бошқаришда қарашларимиз айро тушиб, бу алфозда у ерда ишлаш мен учун мутлақо қизиқарли бўлмай қолган эди. Ана ўшанда бирга ишлаётганларнинг бир қисми мен билан бирга кетди, табиийки, миждозларнинг бир қисми ҳам биз тарафга ўтди. Зотан аудит дилни яқинлаштириб, одамни ярим гапданок бир-бирини тушунадиган қилиб қўяди. Объект билан иш олиб борган мутахассис унинг сир-асрори, фазилати, кучли ва заиф томонларини жуда яхши билади. Ўртада ахлоқодоб, хизматдошларга хурмат деган нарса бор, шу сабабли ўшанда ўзим ишлаган собиқ компания банкротликка учрамаслиги учун муайян жараёнларни тартибга ва керакли ўзганга солишда ёрдамимни аямадим. Бизнинг соҳада корхона фаолиятидаги энг қадрли нарсаларни ишончи билан бўлган ишончли маслаҳатчи, ҳамкор ва яхши шерик деган

4-бетга

**ол** – Ўзи юритаётган ишнинг хавфсизлигини таъминлашда аудиторлик ташкилоти учун энг муҳими профессионал фаолият ва сифатнинг шу фирмага хос услубий ечимлари ҳамда ички стандартларидир. Бир тарафдан, булар аудиторда бўлиши ҳам керак, чунки қонун ҳужжатлари шуни тақозо этади. Бошқа тарафдан олганда, ислохотлар таъсири ва бозор измида экстенсив ривожланиш имкониятлари муайян даражада чекланиб қолади ҳам. Бундай вазиятда ички резервлар ҳисобига, бинобарин сифатни мунтазам равишда ошириб бориб, чикимларни камайтириш, ўзининг самарали технологияларидан фойдаланиш ҳисобига илгари ўтиб олиш мумкин.

Эксклюзив технологиялар рақобатлашувдаги афзалликларнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Негаки, компаниянинг барча ташкилий тузилмалари, фирманинг

Охири. Боши 2009 йил 10 августдаги 32 (213), 17 августдаги 33 (214)-сонларида.

## ҚОНУН ЯНГИЛАНДИ, ТЕКШИРУВЛАР ЭСА ЭСКИЧА

**Россияда тадбиркорлик ҳамжамияти ҳуқуқларини ҳимоя этиш тўғрисида янги қонун қабул қилинди. Хўш, илгариги қонун нимаси билан ёмон эди, янгида қандай янгиликлар бор?**

**Давлат ўз манфаатларига риоя этиб, назоратнинг турли шаклларини қўллаб келмоқда. Бундай назорат доираси анчагина кенг бўлиб, у солиқ текшируви, валюта текшируви, маъмурий текширув, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва тергов қилиш, чегарани кесиб ўтишдаги назорат ва шу сингариларни қамраб олади. Бунга, шак-шубҳасиз, банк назорати ва прокурор назоратини ҳам қўшиш керак. Ҳамма ёқни назорат босиб кетган бир шароитда қандай ишлаш мумкин?**

### ТЕКШИРУВЛАР РЕГЛАМЕНТИ

Назоратчилар рўйхати катта: ҳар куни текширувчилар «қадам ранжида» қиладиган бўлса, қачон ишланади? «Давлат текширувини (назоратини) ўтказишда юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Федерал қонун (бундан буён матнда ФҚ – 134-сон Қонун деб юритилади) 2001 йилда қабул қилинган бўлиб, тадбиркорлик ҳамжамияти ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Мана шу қонун қабул қилинганидан кейин, текширувлар сони озгина камайди, холос. Қонунни қўллаш амалиёти янада яхшиланишни талаб этарди.

Худди шу нарса ўтган йилнинг охирида янги Қонун қабул қилинишига сабаб бўлди. «Давлат текширувини (назоратини) ва муниципал назоратни амалга оширишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги бу янги Федерал қонун (бундан буён матнда ФҚ – 294-сон Қонун деб юритилади) 2009 йил 1 июлдан тўлиқ кучга кирди.

Янги қонуннинг қоидалари эскисиникидан нимаси билан фарқланади?

### ИШ ЯНГИЧАСИГА БОШЛАНДИ

ФҚ – 294-сон Қонунда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг янги принципи амалга оширилган. Унинг моҳияти шундаки, фаолиятнинг айрим соҳаси ташкилотлари ва тадбиркорлари учун ишни бошлашнинг хабардор этиш тартиби

назарда тутилган бўлиб, турли инстанциялардан олдиндан рухсат олиш талаб қилинмайди.

Ана шу ҳуқуқ татбиқ этиладиган фаолият соҳаларига меҳмонхона хизматлари, маиший хизмат, чакана ва улгуржи савдо (айланмаси федерал қонунларга мувофиқ чеклаб қўйилган товарларни сотиш бундан мустасно) ва бошқалар киритилди. Фаолият бошланганлигидан хабардор этишнинг Россия ҳукумати тасдиқлаб бериши лозим бўлган шакли ҳозирча белгилангани йўқ. Лекин ташкилотлар ва тадбиркорлар фаолият бошланганлигидан тегишли давлат органини хабардор этиши лозим бўлган тартиб аниқ тавсиф қилинган ва тушунарли қилиб баён этилган (ФҚ – 294-сон Қонун 8-моддасининг 5-банди). Хабар давлат рўйхатига олинганидан кейин ва ҳақиқий фаолият бошлангунга қадар тақдим этилиши керак. Жойлашган манзил ўзгарганлиги, қайта ташкил этилганлик ҳақида тегишли орган ўзгаришлар рўйхатга олинган санадан эътиборан кечи билан ўн иш кунда хабардор этилмоғи лозим. Федерал органлар ва маҳаллий амалдорларнинг бошқа ҳар қандай қўшимча талаблари ноқонуний ҳисобланади.

### КЕЛИШИНГИЗНИ ХАБАР ҚИЛИБ ҚЎЙИНГ

Асосий ўзгариш шундан иборатки, текширувлар ҳозир бўлганидек, ҳар икки йилда эмас, балки ҳар уч йилда бир ўтказилади. Аммо ижтимоий соҳадаги ташкилотлар, хусусан, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари ҳаммиша хушёр туришлари керак. Қонуннинг маъносидан англашиладики,

### ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

уларни чекланмаган миқдорда текширишга рухсат этилади. Қонун кучга киргач, текширувларни режалаштириш тартиб-таомили янада ошқора тус олади. Чунки бўлажак «ташриф» ҳақидаги хабар манфаатдор шахслар эътиборига етказилмоғи керак. Демак, унга олдиндан яхши тайёргарлик кўриб қўйиш мумкин.

Бундан ташқари, назорат қилувчи органлар текширувлар режалари тўғрисида Россия Бош прокуратурасини хабардор этиши керак. Бош прокуратура жорий йилнинг 31 декабрига қадар ўз сайтида келаси йилга мўлжалланган режали текширувларнинг йиғма режасини беради. Ташкилот рўйхатдан ўтганидан сўнг, фаолият бошланганлигидан ёки охириги режали текширув тугалланганлигидан хабар берганидан кейин 3 йил муддат ўтгач, бу режага киритилади.

ФҚ – 294-сон Қонунда текширувларнинг иккита тури – ҳужжатли ва сайёр текширув назарда тутилган. Ҳужжатли текширувда ташкилотнинг ҳужжатларидаги маълумотлар текширилади. Бундай текширув текширувчи орган жойлашган ерда ўтказилади ва моҳиятан Солиқ кодексида белгиланган камерал текширувга ўхшашдир. Сайёр текширув ташкилот жойлашган ерда ўтказилади.


Ҳар иккала текширувни ўтказиш муддати 20 иш кунидан ошмаслиги керак (илгари бу муддат бир ой деб белгиланганди). Шуниси ҳам борки, кичик корхонани режали асосда сайёр текшириш умуман олганда 50 соатдан, микрокорхонани текшириш эса йилига 15 соатдан ошмаслиги керак. Кичик ва ўрта бизнес ташкилотлари прокуратура билан келишиб олинганидан кейингина текширилади. Текширувчилар текширув бошланишидан уч иш кунини олдин режали асосдаги текширув ўтказишлари ҳақида ташкилотни ёзма равишда хабардор этишлари керак. Шундай қилиб, амалдорларнинг бедодлигидан ҳимояланиш даражаси анчагина ошди.

### ҚОНУНИЙ АСОСДА

Қонун божхона, монополияга қарши, экспорт, лицензия буйича назоратни, қурилиш назоратини, меҳнат соҳасидаги назорат ва текширишни,

4-бетга

# ХАВФЛИ ИШ...



3-бетда ном, ишончинг ўзи йиллар мобайнида тўпланади.

Уз ташкилотимизда бу масалани, биринчидан, ишончли корпоратив мухитни шакллантириш йўли билан ва иккинчидан, ички ҳужжатлар даражасида ҳал этмоқдамиз. Чунончи, меҳнат шартномаларига ҳар бир ходим учун тегишли мажбуриятлар киритилмоқда. Мажбуриятларда махфийликини сақлаш режимидан ташқари компаниямизда муайян мутахассислик бўйича ишлаш асосида ўзлаштирган ечим ва ишланмалардан «Fortis-audit» дан бўшаб кетганидан кейин ҳам икки йил мобайнида фойдаланишга чеклов назарда тутилган. Шу асосда кейинчалик ҳеч бўлмаганда, қандайдир жазо берилиши, суд тартибида таъқиб қилиниши ташаббуси билан чиқишимиз мумкин. Қолаверса, қудратли юридик департамент тузиш ҳаракатидамыз. Мазкур департамент ишлаб турган ходимлар ва ишдан бўшаб кетганлар билан боғлиқ шундай ҳолатларни ҳам кузатиб боради. Аслида назоратнинг энг ўри ишнинг ибтидоида, яъни бўлажак ходимни танлашда эканлигини таъкидлаш зарур. Ташкилот махфийликини таъминлаш, текширувларга оид ҳужжатларни архивлаштириш, рухсатсиз фойдаланиш доирасини чеклаш тизимини ўйлаб кўриши ва жорий этиши зарур.

**– Аудиторлар ўз фойдаларини кўзлаб «йўл-йўлакай» рақобатлашувга асосланган разведка билан шуғулланмайдиларми?**

– Бу гапни ҳазил тариқасида ҳам тилга ола кўрманг. Бунга қараб қолган жойимиз йўқ. Аудиторларимиз шунчалар очиқ чехра ва салобатлики, ҳаммасини одамларнинг ўзи уларга оқизмай-томизмай айтиб беришади...

Очигини айтганда, соҳамизда ахборот манбалари бир нечта. Биринчидан, улар буюртмачи корхоналардир. Биз билан ҳамкорлик қилгунча қадар аллақимлар билан ҳамкор бўлган корхоналарни-ку қўяверасиз. Иккинчидан, сони тобора ортиб бораётган танлов ва тендерларда иштирок этиб, жуда кўп нарсаларни билиб оласан киши. Юриш-туриш, ўзи тутиш тўғри бўлса, масала керакли йўналишда қўйилса, рақобатчилар ҳақида, улар кўрсатаётган хизмат нархлари, бизнесни юритиш усули, муайян муаммоларни ҳал этиш

услугияти ва бошқа нарсалар ҳақида кўп нарса билиб олиш мумкин. Танловларда кўпинча танишув учун қўйилган турли материаллар билан танишиш муайян компаниянинг мутахассислари таркиби тўғрисида, унинг аудиторлик текширувларига ёндашувлари ҳақида аниқ тасаввурлар беради. Бу ишда энг муҳими иштирокчиларда ўзингизга қизиқиш уйғотишдир. Буюртмачилар дастлаб стандарт, таъбир жоиз бўлса, сийқа саволлар беришади. Агар гап-сўзингиз билан уларни ром этсангиз, қизиқтириб қўйсангиз, улар нималарнидир сиз билан маслаҳатлашиб олишга ўтишади ва суҳбат асосида улардан рақобатлашувчиларингиз қандай таклифларни тавсия этганлиги ҳақида, шартномалар тузишнинг нозик жиҳатлари ва шу сингарилар ҳақида бир дунё ахборот оласиз. Бунда одоб доирасидан чиқмаслик, рақобатчилар ҳақида уларни қораловчи материаллар тўплашга ҳаракат қилмай, жорий этиш учун қандайдир ижобий нарсаларни илғаб олишда гап кўп. Бозорга муносиб тарзда тақдим этилган аудиторлар анча машҳур бўлиб, билишимча, уларнинг ўзига ҳам, уларга ўхшайдиганларга ҳам бундай «қитмириклар» чикора.

Масалан, потенциал мижознинг ақалли қайси тармоққа мансублигини билмай туриб, телефон орқали баҳони ва муддатларни баралла айтадиган, юз миллионлаб ва миллиардлаб сўм билан белгиланувчи, ақл бовар қилмайдиган, жавобгарлик билан таъминланмаган ваъдаларни бераверадиган аудиторлик компаниялари ҳозир ҳам баъзи-баъзида учраб қолмоқда. Аини шунинг ўзи улар бизга рақобатчи бўла олмаслигидан далолатдир. Хуллас, бизнес ишини юритиш услубининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

**– Компьютерларингизга хизмат кўрсатиш билан кимлар шуғулланиб келмоқда?**

– Биз билан кўпдан буён доимий асосда ҳамкорлик қилиб келаётган бир одам бор. У жуда ҳам яхши мутахассис, синовимиздан ўтган киши. «Fortis-audit» штатли ходими эмас, у буюртмачи ҳамкорларимиздан бирида ишлайди. Унинг номзодига тўхталгунча, биласизми, нақ 30 – 40 кишининг номзодини кўриб чиққандик. Умуман бизнинг бизнес билан боғлиқ ишимизда олдини олиш, огоҳ-

лантириш йўналишидаги чоралар жуда ҳам муҳимдир. Юқорида сизга айтганим текширувлар бўйича комплекс услубият ишланмасини яқунлагач, ана шу жараёнларни автоматлаштиришга, маълумотларни шифрлашга ва электрон ҳужжат айланишини тартибга солишга киришамиз. Муҳим ахборотни том маънода асраш, резерв нусхалари зарур миқдорда бўлишини таъминлаш, шу мақсадда алоҳида хона ажратиб, унга темир жавонлар ўрнатиш керак. Кўпгина компаниялар муайян мутахассис ишдан бўшаб кетганида ўзи билан барча қизиқарли ишланмаларни олиб кетганидан ташқари, компаниянинг мулки ҳисобланган хизмат компютеридаги жамики маълумотларни ўчириб, йўқ қилиб ташлаган вазиятларга ҳам дуч келмоқдалар. Шу боис масалани жуда долзарб деб биламан. Муҳимроқ бирон ахборот четга чиқиб кетгудек бўлса, қондани бузувчига нисбатан суд процесси очиш ташаббуси билан чиқмоқчиман. Бошқа аудиторлик ташкилотларидаги шундай амалиёт билан бажонидил танишган бўлур эдим. Ана шу ҳаракатлар муҳим «тарбиявий» аҳамиятга молик бўлиб, муайян аудиторларда инсоф-диёнат талаб даражасида бўлишини рағбатлантиради.

**– Ўзини мижоз бўлиш истагида эканлигини айтиб компаниянгни ҳақида нималарни билиб олиш мумкин? Компаниянинг хавфсизлик билан боғлиқ ҳаракатларида инсон омили қай йўсинда эътиборга олинади?**

– Фаолиятимиз кўлами, мижозларимиз, кўрсатадиган хизматларимиз, шунингдек тажриба ва имкониятларимиз борасидаги ахборотлар бизда етарлича очикдир. Бундан ташқари маркетинг материалларида ва ташкилотимиз тўғрисидаги шарҳларда уларга ҳаволалар қилиш имкониятини ўз мижозларимиз билан келишиб оламиз. Бошқа тарафдан олганда, бирор-бир ходим ишчанлик одоби қондасини ва махфийлик талабларини бузиб, мижоз тўғрисидаги ёпиқ ахборотни ошкор этса, бу билан ҳам мижозга, ҳам аудиторлик ташкилотига зарар етказиши мумкин. Шу боис ходимларни синчковлик билан танлаш, номзод ҳақида, унинг тажрибаси, алоқалари, турмуш тарзи ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот тўплаш, шунингдек унинг

фаолиятини мунтазам равишда ички мониторинг қилиб бориш бағоят муҳимдир.

Компаниямизда ҳозирча фаолиятимизнинг барча соҳаларида ахборот хавфсизлигини тартибга солувчи ягона ҳужжат йўқ. Лекин бир қанча муҳим шартлар ва талаблар раҳбариятнинг тегишли қарорлари ва буйруқларида, шунингдек фаолият ва сифатнинг ички стандартларида баён этилган. Биз бу йўналишда жадал иш олиб бормоқдамиз. Қатор объектларда ишлаш асосида қизиқ бир қонуниятни англадим. Компания ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳақида қанча кўп «шоқин солса» (ўзининг ташқи контрагентларининг барчасига нисбатан қаттиқ талаблар қўйса, ахборотнинг ошкор этилиши олдини олиш мақсадида контрактга қандайдир бандлар киритса) ва бу жараёнга қанчалик кўп расмийлик бахш этилса, турли жойларга видеокамералар ўрнатилса, бу ҳақда компанияда биладиганлар сони шунчалик орта боради.

Умуман олганда, бизда ахборот билан боғлиқ ҳамма нарса юқори даражадаги раҳбариятга бориб тақалади. Мутахассислар ҳам, уларнинг ёрдамчилари ҳам, ҳатто бўлинмалар раҳбарлари ҳам махсус топшириқ бўлмаса, музокаралар олиб бориш ёки бирон-бир махфий маълумотларни фош этиш ваколатига эга эмас. Бошқа жиҳатдан қарайдиган бўлсак, бозорда сиз ҳақингизда етарлича ахборот бўлмаса ва ташкилотингиз очиқ-ошкора иш олиб борадиган ташкилот рутбасида бўлмаса, сизга бўлган ишонч жабр топади. Хуллас сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган йўл тутмоқ зарур.

**Юлия ЯШИНА,**  
**«Норма маслаҳатчи»**  
**махсус мухбири.**  
**Муаллиф фотолари.**

## ҚОНУН ЯНГИЛАНДИ, ТЕКШИРУВЛАР ЭСА ЭСКИЧА

3-бетда транспорт назорати, sanoat хавфсизлиги ва бошқа назоратни амалга оширишда текширувлар ўтказишни расмадга солади. Аммо уларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари амалдорларнинг буйруқлари, хатлари ёки бошқа ҳужжатлари билан эмас, балки бошқа федерал қонунлар билан назарда тутилиши мумкин. ФҚ – 294-сон Қонуннинг ана шу талабларини ижобий тамойиллар жумласига дадил киритиш мумкин.

Бундан ташқари қонун ижодкорлари қонуннинг амал қилишини божхона ва транспорт назоратига, қурилиш назоратига ҳам татбиқ этдилар, илгариги қонун эса бунга йўл қўймасди. Текширув давлат органлари ваколатларига мувофиқ ўтказилиши лозим деган принципнинг белгиланиши ҳам янгиликдир. Масалан, ФҚ – 134-сон Қонун қўлланилганда солиқ органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлмаган назорат тадбирларини судлар қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи солиқ назорати ўтказиш далили сифатида баҳоладилар. Асосий баҳс-мунозаралар солиқчиларнинг касса аппаратларини текшириши борасида келиб чиқарди. Тадбиркорлар янги қонуннинг нормалари бу муаммони ўз фойдаларига ҳал этиб беради деб умид қилмоқдалар.

Айни бир вақтда «Россия Федерациясининг айрим қонун ҳужжатларига Россия ички ишлар органларининг тадбиркорлик фаолияти субъектларини текширишларга тааллуқли процессуал доирага кирмайдиган ҳуқуқларини чиқариб ташлашга доир қисмида ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ги Федерал қонун ҳам қабул қилинди (бундан буён матнда ФҚ – 293-сон Қонун деб юритилади).

Текширув вақтида давлат текшируви (назорати) ёки муниципал текширув органининг мансабдор шахслари ҳужжатларни, ахборотни, махсулот намуналарини, атроф муҳит ва ишлаб чиқариш объектларини текшириш намуналарини, агар улар текширув объекти бўлмаса ёки текширув предметга тааллуқли бўлмаса, талаб қилиб олишга ҳақли эмас. Улар

бундай ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб қўйишга ҳам ҳақли эмас.

Илгари тадбиркорлар милиция бедодлигидан ҳатто судда ҳимояланиш имкониятини топишга муваффақ бўлмасдилар. Энди вазият ўзгарди. ФҚ – 293-сон Қонун милиция ҳуқуқини анчагина чеклаб қўйди – милиция ходимлари хўжалик, тадбиркорлик ва савдо фаолиятини текшира олмайдилар. Ички ишлар бўлимлари ходимларининг фаолияти тартиби Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодекслари билангина тартибга солинади. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» ги Қонунга киритилган ўзгартиришлар хўжалик фаолиятини барча хўжалик ҳужжатларини олиб қўйиш йўли билан тўхтатиб қўйиш эҳтимолига чек қўйди.

Ўзгаришлар йўналиши аниқ: текширувлар текширувчига берилган ваколатлар доирасидагина амалга оширилиши керак.

### ШИКОЯТ БЕРИШ ОСОНЛАШДИ

Текширувлар устидан шикоят бериш жараёни аксарият ҳолларда кўпдан-кўп қоидабузарликлар билан содир бўлади. Одатда ташкилот далолатнома устидан ҳамда тегишли қарор қабул қилинган кезлари маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги органининг ҳатти-ҳаракати устидан шикоят беради. Ҳақамларга Маъмурий-процессуал кодекснинг тегишли нормаларига амал қилишдан бўлак йўл қолмади. ФҚ – 134-сон Қонуннинг қоидалари бундай ҳолларда ташкилот далиллар тўпланганлигининг қонунийлиги хусусида низолашган тақдирдагина амал қилади.

Лекин суд амалиёти расман қоидабузарлик фактини аниқлашнинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Чунончи, кўрилган бир иш юзасидан суд маъмурий ишни қонуний деб топди ва ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлган тақдирда текширув ўтказиш учун фармойиш йўқлиги низолашिलाётган қарорни бекор қилиш учун сўзсиз асос бўла олмайди деб кўрсатди. Шундай қилиб, текширувлар ўтка-

зилаётганда расмий қоидабузарлик фактлари катта аҳамиятга эга эмас.

Янги қонун қабул қилиниши билан вазият яхшиланмоғи керак. Қонунда текширув ҳақиқий эмас деб топилшида асос бўладиган кўпол қоидабузарликлар рўйхати белгилаб берилмоқда. Қуйидаги ҳоллар шундай асос деб қаралади:

– режали асосдаги текширув ўтказиш учун асос бўлма-са ҳамда текширув ўтказилиши ҳақида хабардор этиш муддати бузилган бўлса;

– режадан ташқари текширув ўтказиш учун асос бўлма-са, бундай текширув прокуратура билан келишилмаган бўлса (ўрта ва кичик корхоналар текширилганда);

– текширув текширувчи органининг раҳбари (унинг ўринбосари) фармойишсиз ўтказилган бўлса;

– текширув доирасига кирмайдиган ҳужжатлар талаб қилинган бўлса;

– текширув ўтказиш муддати чўзиб юборилган бўлса;

– текширув далолатномаси тақдим этилмаган бўлса. Янги қонунда текширув ноқонуний деб топилган тақдирда текширувчи шахс етказган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги қоидалар аниқлаштириб олинган – тадбиркорга етказилган барча зарар, шу жумладан бой берилган фойда қопланмоғи керак. Кўришиб турибдики, янги қонун ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти шароитларини кўп жиҳатдан яхшилашга қаратилгандир. Унинг қоидалари амалиётда қай йўсинда қўлланилишини эса вақт кўрсатади.

**Хорижий матбуот материалларидан.**

**Тахририятдан:** Ушбу тажриба қилан танишиш асосида Россиянинг янги қонунда назарда тутилган кўп нарсалар биз учун аллақачон амалиётга айланганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу амалиётнинг самарадорлиги бошқа қатор омилар қатори ўзга мамлакатлар томонидан ўрганиб, ўзлаштириб олинганлиги билан ҳам тасдиғини топаётганлиги айниқса қувонарлидир.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
- «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

## ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар кириштириш тўғрисида».

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД КЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 32-33-сон, 358-модда)

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуришнинг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинди;

2009-2010 йилларда 260,5 млрд сўм, шу жумладан, 2009 йилда — 65,5 млрд сўм миқдорида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида яқка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинди.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида яқка тартибда иморат қурувчиларга кўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шуъба инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унинг зиммасига куйидаги вазифалар юклансин:

уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва бунинг асосида қуриш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қишлоқ аҳоли пунктларида яқка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини шартнома асосида бажариш, жумладан, молиялашни ташкил этиш ва қурилишнинг бориши устидан техник назорат ўрнатиш;

аҳоли буюртманомаларига мувофиқ уй-жойлар, шунингдек, намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартларида ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш буюртмаларини объектларни сифатли қуришни таъминлаб бера оладиган амалдаги ва янгитдан ташкил этилаётган пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида жойлаштириш;

кейинчалик «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича

қурилган яқка тартибдаги уйлари аҳолига бериш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаси, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший аҳамиятдаги объектларни эксплуатация ташкилотларига топшириш.

3. Куйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ҳамда аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябргача минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида 1 ноябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси ва «Давархитектқурилиш» кўмитаси билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олинди ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига топширилади;

аниқ ер участкаси ва намунавий лойиҳани танлаган яқка тартибда иморат қурувчи «тайёр ҳолда топшириш» шarti билан турар-жой биносини қуришда буюртмачи вазифасини бажариши учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан шартнома тузади;

яқка тартибда иморат қурувчи билан тузилган шартнома асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмачи сифатида «тайёр ҳолда топшириш» шarti билан намунавий лойиҳа бўйича яқка тартибдаги турар-жой биноси қурилиши юзасидан барча ишлар комплексини ташкил этади;

қурилиш якунлангандан кейин ва яқка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича турар-жой биноси қабул қилингандан сўнг яқка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Б.А. Хўжаев) «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида яқка тартибдаги уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

\*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 4 августдаги 152 (4815)-сонида эълон қилинган.

4. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ:

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Бир ой муддатда «Қишлоқ қурилиш инвест» компаниясининг зарур моддий-техника базаси яратилишини назарда тутган ҳолда унинг устав капиталини шакллантирсин, шунингдек, компаниянинг малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

зарур ҳолларда, банк устав жамғармаси маблағларини гаров тариқасида қайтариш асосида ажратиб берилишини назарда тутган ҳолда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини ушбу жамғарма маблағи ҳисобидан айланма маблағлар билан таъминласин.

5. Белгилансинки:

якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилиши инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилади;

ижтимоий инфратузилма объектлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари қурилиши маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ва унинг минтақавий филиаллари зарур инфратузилмани ташкил этиш учун шартнома асосида ер участкаларини ажратиш тарзида ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуришга тасдиқланган бош режа асосида ҳар йили қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер участкалари ажратилишини таъминласин;

«Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ кредитлари ҳисобидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида барпо этиладиган муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг илдам қурилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

танланадиган ер массивларининг муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари билан таъминланганлиги, ишга тушириладиган уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектларга бўлган амалдаги талабнинг мавжудлиги комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

якка тартибдаги уй-жой қурилишида қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мақтаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонининг 4-банди қишлоқ жойларда «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ кредитлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда иморат қурувчиларга нисбатан татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига ажратилаётган маблағлардан, шу жумладан, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг имтиёзли кредитларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли равишда текширувлар олиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 3 август  
ПҚ-1167-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОИ**

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 35-сон, 359-модда)

Ташқи савдо фаолиятини халқаро амалиётда умумэтироф этилган божхона-тариф жиҳатдан бошқариш усуллари қўллаш асосида ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош юқори сифатли тайёр маҳсулотни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни янада шакллантириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

импорт божи ставкалари 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган, акциз солиғи олинадиган товарларга акциз солиғи ставкалари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 октябригача «вақтинчалик сақлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарларни эркин муомалага чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-823-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макро-иқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарори билан тасдиқланган ставкалар қўлланади.

2009 йилнинг 1 октябридан бошлаб «вақтинчалик сақ-

лаш» режимида эркин муомалага чиқариладиган барча товарларга ушбу қарор билан тасдиқланган импорт божи ва акциз солиғи ставкалари жорий этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги таклифларига кўра:

саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллий хўжалик юритувчи субъектлар ўзлаштираётганлиги муносабати билан, уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланмаган ҳолда импорт қилинадиган товарлар рўйхатини ҳар йили тасдиқлаб борсин;

иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастурлари доирасида божхона тўловларидан озод этилган импорт қилинадиган товарларнинг аввал тасдиқланган рўйхатларини, уларда фақат республикада ишлаб чиқарилиши ҳали ўзлаштирилмаган товарларининг қолдиришини назарда тутган ҳолда бир ой муддатда танқидий қайта кўриб чиқсин.

4. 2009 йилнинг 1 октябридан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

\*1-2-иловалар «Норма маслахатчи»да берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан «Норма» АХТда ва [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтининг эркин фойдаланиш учун очик «Қонунчиликдаги янгиликлар» бўлимида танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-823-сонли қарори 3-банди ва қарорнинг 1-илоvasи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорининг 12-2-илоvasи.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун

ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 5 август  
ПҚ-1169-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОИ**

**МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ**  
**ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**ТўҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 30-31-сон, 344-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бошланғич разряднинг энг кам ойлик иш ҳақи миқдориди белгиланган тариф ставкаси Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-

модда) 2-иловага мувофиқ тахрирда баён қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор 2009 йил 1 августдан бошлаб кучга кирази.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 21 июль  
206-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф**  
**СЕТКАСИ**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1,000
1	2,476
2	2,725
3	2,998
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997
10	5,362
11	5,733

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
12	6,115
13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371
21	9,804
22	10,240

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт**  
**ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг**  
**ТАРИФ СЕТКАСИ**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	3,148
2	3,464
3	3,809
4	4,191
5	4,609
6	5,070

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
7	5,578
8	6,191
9	6,872
10	7,629
11	8,390*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ  
ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ҚАРОРЛАРИ  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасани янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасани янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2007 йил 7 августдаги 166-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасани янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2007 йил 19 ноябрдаги 239-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасани янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» 2008 йил 9 апрелдаги 65-сон қарори.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 32-33-сон, 363-модда)

Импорт операцияларини янада тартибга солиш ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматиининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг амал қилиши қарор кучга киргандан кейин тузиладиган контрактларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаш-

тирсинлар.

4. Ушбу қарор 2009 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 12 август  
230-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 12 августдаги 230-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Импорт операциялари бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисидаги низомда:

а) V бўлимнинг номи куйидаги тахрирда баён қилинсин: «Ташқи савдо импорт операцияларини назорат қилиш»;

б) 25-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«25. Пул маблағлари ўтказилган санадан бошлаб 180 календарь кун мобайнида товарларни республикага келтириш ва эркин муомалага чиқариш режимига расмийлаштириш, импорт контрактлари бўйича ишлар ва хизматлар кўрсатишни бажариш ёки улар учун тўланган пул маблағларини қайтаришнинг таъминланмаганлиги тўлов муддати ўтган дебиторлик қарз ҳисобланади.

Агар пул маблағлари ўтказилган санадан бошлаб 180 календарь кун мобайнида импорт қилувчи корхона томонидан ваколатли банкка товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтирилганлиги тўғрисида боғжона хизматларининг тегишли қайдлари ёзилган карточка, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича эса — бажарилган ишларнинг инвойслари, счёт-фактуралари,

далолатномалари тақдим этилмаса, у ҳолда ваколатли банклар кўрсатиб ўтилган муддат тугагандан кейин ўн кун муддатда импорт қилувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ инспекциясига тегишли ахборотни жўнатади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг боғжона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9.5-бандига куйидаги мазмундаги хат-боши қўшилсин:

«Етказиб берувчилар томонидан монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилишини, улар томонидан ходимларни ўқитиш, роялти тўлови хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш юзасидан импорт контрактлари бўйича бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва роялти суммаси контрактларда (спецификацияларда) алоҳида кўрсатилади».